



Хиндистондаги Мохенжо-Даро шаҳрининг 3500 йил аввалги ҳалокати сир-синоати бир неча ўн йиллардан бери археологларни ташвишга солмоқда. 1922 йили хинд археологи Р. Банарджи Хинд дарёсининг оролларида бирида қадимий ҳаробаларни топди. Уларга Мохенжо-Даро деб ном қўйилди, бу ном «Ўликлар тепалиги» деб таржима қилинади. Ўшандаёқ саволлар пайдо бўлди: бу катта шаҳар қандай вайрон бўлган ва унинг аҳолиси қаерга кетган? Қазилмалар бу саволларнинг бирортасига ҳам жавоб бермади...

Мохенжо-Даро ҳалокати сабаблари ҳақида археологларнинг тахминлари турли хил эди: маданият ва савдонинг табиий равишда инкирозга учраши, фожиали сув тошқини, ҳалокатли эпидемия, босқинчилар ҳужуми... Англиялик Д. Девенпорт ва италиялик Э. Винченти эса жуда ғайриоддий бир версияни айтдилар. Улар Мохенжо-Даро Хиросиманинг тақдирини такрорлаганини таъкидлашади! Ўз тахминлари фойдасига муаллифлар қуйидаги далилларни келтирадилар.

Маданият инкирози — секин жараён, бироқ Мохенжо-Дародаги ҳамма нарса ҳалокатнинг тўсатдан содир бўлганини кўрсатади. Сув тошқини тахмини жуда кизикарлидир — зеро шаҳар кенг дарёнинг ўртасидаги оролда жойлашган. Лекин... ҳаробалар орасида сув тошқинидан қолган излар топилмаган. Бундан ташқари, оммавий ёнгинларнинг бўлгани ҳақида *inkor qilib* бўлмайдиган маълумотлар бор. Эпидемия? У кўчаларда бемалол сайр қилиб ёки ўз ишлари билан банд бўлган одамларни бир пайтнинг ўзида ва тўсатдан йикитмайди. Айнан шундай бўлган эди — бу скелетларнинг жойлашуви билан тасдиқланади. Палеонтологик тадқиқотлар ҳам эпидемия тахминини рад этади. Шунингдек, босқинчиларнинг тўсатдан ҳужуми тахминини ҳам асосли

равишда рад этиш мумкин: топилган бирорта скелетда ҳам совук куролдан колган жарохат излари йўк.

«Ядровий» тахмин муаллифлари диққатга лойик ва чуқур таҳлилни талаб қиладиган бошқа тафсилотларга ҳам эътибор қаратишади. Харобалар орасида эриб қотиб қолган лой ва бошқа минераллар парчалари тарқалиб ётибди, улар бир вақтлар тезда қаттиқлашган. Рим университети ва Италия Миллий тадқиқотлар кенгаши лабораториясида ўтказилган таҳлил намунадаги эритиш жараёни 1400–1500 даражада содир бўлганини кўрсатди! Бундай ҳарорат ўша даврларда фақат металлургия устахонасининг ўчоғида бўлиши мумкин, аммо кенг очик майдонда эмас.

Бирок Мохенжо-Дарода махсус турдаги излар мавжуд. Агар вайрон бўлган бинолар диққат билан кўздан кечирилса, аниқ бир ҳудуд — барча иморатлар қандайдир қучли зарба билан йўқ қилинган эпицентр кўзга ташланади. Марказдан четга қарай вайронагарчилик секин-аста қамаяди. Энг яхши сақланган бинолар четлардаги бинолардир. Қискаси, бу манзара Хиросима ва Нагасакидаги атом портлашлари оқибатларини эслатади!

Хинд дарёси водийсига келган сирли босқинчилар атом энергиясига эга бўлган бўлишлари мумкинми? Бундай тахмин ақлга сигмайдиган бўлиб кўринади ва замонавий тарихий фан тасаввурларига зиддир. Бирок, Хиндистоннинг «Махабхарата» эпосида «кўзни кўр қилувчи нур, тутунсиз олов»ни келтириб чиқарган қандайдир «портлаш» ҳақида айтилган, шу билан бирга «сув қайнай бошлади ва балиқлар кўмирга айланди». Д. Девенпортнинг фикрига кўра, бунинг ортида қандайдир реал воқеалар турибди...

Олимларнинг катта қисми ушбу янги тахминга жуда ҳам шубҳа билан муносабатда бўлдилар. Дарҳақиқат, Д. Девенпорт ва Э. Винчентининг таҳмини ақлга сигмайдиган бўлиб кўринади, бирок баъзи объектив маълумотлар бу тахминнинг мавжуд бўлиш ҳуқуқини беради.

Абу Муслим таржимаси